

тўланиши ҳисобга олинмаган ҳолда ўтган даврда (ой, йил чораги, йил) маҳсулотнинг амалда шаклланган ўртача нархидан келиб чиқиб ҳисобланиши назарда тутилган.

Фермер хўжалиги томонидан 4728 кг “Наманган-77” навли, 1-сорт, 1-синф, 5-типтаги пахта хом-ашёси топширилган.

Яккабоғ туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши вакили Ф.Нормуродов судга 2022 йил пахта ҳосилида фермер хўжаликлари томонидан топширилган пахта хом-ашёси ва топширилган пахта хом-ашёси бўйича ҳисобланган ўртача нарх бўйича маълумот тақдим қилиб, ушбу маълумотга кўра, жавобгарга фермер хўжалиги томонидан топширилмаган пахта-хом ашёси учун 12 378 324 сўм жарима ҳисобланган.

Фермер хўжалиги томонидан топширилмаган 4172 кг.ни ташкил этиб, ушбу топширилмаган пахта хом-ашёси учун ўртача нархда ҳисоблаганда $(4172 \times 9890) \times 30\% = 12\,378\,324$ сўмни ташкил этади.

Фуқаролик кодексининг 260-моддасига кўра, қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси неустойка ҳисобланади.

ФКнинг 261-моддасига кўра, неустойка жарима ёки пеня шаклида бўлади.

ФКнинг 326-моддасига кўра, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли. Бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ аҳволи, шунингдек кредиторнинг манфаатлари эътиборга олиниши керак.

Суд алоҳида ҳолларда қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтириш ҳуқуқига эга.

Яккабоғ туман Ирригация бўлими томонидан берилган маълумотномага кўра, фермер хўжалиги 2022 йилда 6,06 минг м³ сув истеъмол қилган бўлиб, яъни 100 фоиз сувдан фойдаланганлиги кўрсатилган.

Суд фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчи ташкилот эканлигини, унинг ҳисоб рақамига мавсумий пул маблағи тушишини, унинг асосий даромади пахта ва ғалла етиштиришдан келишини инobatга олиб, талаб қилинган жариманинг 2 000 000 сўмини қаноатлантиришни, жариманинг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим деб ҳисоблайди.

ЎзР Иқтисодий процессуал кодексининг 68-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

ИПКнинг 72-моддасига кўра, қонун ҳужжатларига мувофиқ муайян далиллар билан тасдиқланиши керак бўлган иш ҳолатлари бошқа далиллар билан тасдиқланиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда - ФК)нинг 8, 234-моддаларига кўра мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

ФКнинг 333-моддасига асосан қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

ЎзР Фуқаролик кодексининг 465-моддасида, контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга – тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб



туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

ФКнинг 466-моддасига кўра, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи ўстирилган (ишлаб чиқарилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрловчига контракция шартномасида назарда тутилган миқдор ва ассортиментда топшириши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда - ИПК)нинг 118-моддасининг 3-қисмига кўра, даъвогар тўлашдан белгиланган тартибда озод қилинган давлат божи, агар жавобгар бож тўлашдан озод қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан республика бюджети даромадига ундирилади.

Мазкур модданинг 6-қисмига кўра, агар даъвогар томонидан билдирилган неустойкани ундириш ҳақидаги талаб асосли бўлиб, бироқ унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқдан фойдаланилган ҳолда суд томонидан камайтирилган бўлса, суд харажатларининг камайтирилиши ҳисобга олинмаган ҳолда ундирилиши лозим бўлган неустойка суммасидан келиб чиққан ҳолда, суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилиши лозим.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, суд даъвони қисман қаноатлантиришни, жавобгардан даъвогар фойдасига 2 000 000 сўм жарима ва почта харажати учун тўланган 33 000 суд харажатини ундиришни, жариманинг қолган қисмини рад этишни, Республика бюджетига жавобгардан 330 000 сўм давлат божи ундиришни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 112-113, 118, 157, 176-179, 186, 192-моддаларини кўллаб, суд

қ а р о р қ и л д и:

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармасининг даъвогар « [] » МЧЖ манфаатида киритган даъвоси қисман қаноатлантирилсин.

Даъвогар « [] » масъулияти чекланган жамияти фойдасига жавобгар « [] » фермер хўжалигидан 2 000 000 сўм жарима ва почта харажати учун тўланган 33 000 суд харажати ундирилсин.

Жариманинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Жавобгар « [] » фермер хўжалигидан Республика бюджетига 330 000 сўм давлат божи ундирилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддатда апелляция тартибида Қашқадарё вилоят судига шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

С.А.Турсунов

